



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUDYALAR OLIY KENGASHINING
QARORI**

2025-yil 25-avgust

№ 2041

**O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasining
Ustavini tasdiqlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi “O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi to'g'risida”gi Qonunning 7, 17-moddalari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-avgustdagি PF-141-son Farmoniga muvofiq

QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasining Ustavi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ushbu qaror qabul qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Kengash raisi



X.Yodgorov

Судьялар олий кенгашининг
2025 йил 25 августдаги 2041-сонли
қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг УСТАВИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда – Академия) судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, судьяларни раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

2. Академия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу Уставга амал қиласди.

3. Академия Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузурида фаолият юритувчи юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, шахсий ҳисоб рақамларига, тижорат банкларида миллий ва хорижий валюталардаги банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, штамплар, эмблема, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа атрибутлар ва реквизитларга эгадир.

4. Академиянинг расмий номи:

давлат тилида: Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси;

рус тилида: Академия правосудия Республики Узбекистан;

инглиз тилида: Academy of Justice of the Republic of Uzbekistan.

5. Академиянинг почта манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кучаси, 6-уй.

2-боб. Академиянинг мақсадлари ва вазифалари

6. Суд тизими учун юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини малакасини ошириш ҳамда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга эришиш Академиянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

7. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимлариға номзодларни қайта тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш;

бўлажак судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

tinglovchi va talabalardan yoksak maъnaviy va axloqiy fazilatlarini shakllanтириш, taъlim жараёнида korruptionяga қarshi kuraishi, очиқлик va shaффофликни taъminlashning taъsirchan механизmlarini жорий қилиш;

судьялик лавозимлариға номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, суд-хуқуқ, соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёни сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни, норматив-хуқуқий, методик ва таҳлилий ахборотлар алмашишни йўлга қўйишга қаратилган идоралараро тажриба алмашиш, шунингдек, суд тизими учун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи, шу жумладан, судьялик лавозимлариға номзодларни қайта тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

3-боб. Академиянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Академия зиммасига юклangan вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирlikлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан зарур статистик маълумотлар, ахборот-таҳлилий материаллар, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир умумлашмаларни олиш;

судьялик лавозимлариға номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ва бошқа йўналишларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий

кенгаши, Баш прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

илемий-педагогик фаолиятни амалга оширишда Олий суднинг "Адолат" ахборот тизимлари комплексидан фойдаланиш;

етакчи таълим ташкилотлари, илемий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув жараёнларига, шунингдек зарур ҳолларда экспертлик, илемий-тадқиқот ишларини бажаришга жалб этиш;

илемий фаолият, таълим, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият йўналишлари бўйича пулли хизматлар кўрсатиш, тўлов-контракт асосида ўқитиш ва пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлардан мустақил равишда мақсадли фойдаланиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб муаммолари бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан даврий, илемий-назарий ва амалий нашрларни чоп этиш;

маҳаллий ва хорижий олим ва эксперталар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва адвокатларни жалб этган ҳолда тематик, жумладан халқаро форумлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар, давра сұхбатлари ташкил этиш;

педагогик фаолиятни амалга ошириш, ўқув-услубий ишлар олиб бориш, илемий тадқиқотлар ва маслаҳатлашувлар ўтказиш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

Академияга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий-техник воситалар ва зарур ускуналарни харид қилиш, ижарага олиш.

Академия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Академия таълим жараёни ва илемий-тадқиқот фаолиятини халқаро стандартлар асосида, ўқитишнинг замонавий шакллари, педагогик, инновацион, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда самарали ташкил этиш учун жавобгардир.

4-боб. Академиянинг тузилмаси ва бошқарув органлари

10. Академия фаолиятини ташкил этишнинг асосий масалаларини кўриб чиқиши учун Академия ректори бошқарадиган Академия Кенгаши ташкил этилади. Академия Кенгаши таркибига проректорлар, кафедра мудирлари, бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари, таълим ва юридик соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек амалиётчи судьялар ва Кенгаш котиби киради.

Академия Кенгашининг асосий ваколатлари қуидагилардан иборат:

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари, дастурлари ва малакавий талабларни Судъялар олий кенгаши ва Олий суд билан келишган ҳолда тасдиқлаш;

магистратурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш, магистратура талабалари томонидан стажировка ўташ ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш тартибларини, шунингдек магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга доир талабларни белгилаш;

тингловчилар ва талабалар билимини баҳолаш тартиблари ҳамда малака талабларини тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатининг меъёрини белгилаш, иш вақтини фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда мустақил ташкил этиш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантириш;

меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув жараёнларига жалб этиладиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш;

магистратура дастурлари бўйича қабул параметрлари ва тўлов-контракт қийматини белгилаш бўйича Судъялар олий кенгашига таклиф киритиш;

Академия ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

Академия таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш;

“Одил судлов академиясининг фахрий доктори” унвони билан тақдирлаш;

бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан Академия ходимларига ойлик устамалар белгилаш мезонларини тасдиқлаш;

11. Академия Кенгаши қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган Академия ректори ва Академия Кенгаши котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

12. Академияга Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ректор раҳбарлик қиласи.

Академия ректори мөхнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарига тенглаштирилади.

13. Академия проректорлари Судьялар олий кенгаши раиси билан келишилган ҳолда Академия ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

14. Академия проректорлари ва профессор-ўқитувчилари Олий суд судьялари учун, Академиянинг бошқа ходимларига эса Олий суд аппарати ходимлари учун белгиланган мөхнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари ва бошқа имтиёзлар татбиқ этилади.

15. Академия ректори:

Академия фаолиятига умумий раҳбарлик қиласида Академияга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, мазкур Уставга риоя этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади, Академиянинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини белгилайди;

барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шунингдек хорижда Академиянинг манфаатларини ифодалайди, етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек қўшма таълим дастурларини амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва битимлар тузади;

Академиянинг барча ходимлари, талабалари ва тингловчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Академия ходимлари билан мөхнат шартномаларини тузади ва бекор қиласида;

тегишли ташкилотларнинг ходимларини ва мутахассисларни педагогик фаолиятга жалб этиш бўйича шартномалар ва контрактларни тузади;

Академиянинг молиявий масалаларини ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида Академиянинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Академия номидан шартномалар тузади, шундай шартномалар тузиш учун ишончномалар беради;

ўқув жараёнини кундузги, кечки ва масофавий ўқитиш шакллари асосида ташкил этади;

судьялар ва суд аппарати ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишган ҳолда Академияда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этади;

судьялар ва суд аппарати ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишган ҳолда Академияда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этади;

судга мурожаат қилиш ва низоларни кўришда уларнинг процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари бўйича корхона, муассаса ва ташкилотлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишган ҳолда Академияда маҳсус малака ошириш курсларини ташкил этади;

штатлар жадвалини ва Академиянинг таъминоти учун харажатлар сметасини тасдиқлади, Академия тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

Академия Кенгаши ишига раҳбарлик қилади;

илмий-таълим муассасалар кенгашлари мажлисларида иштирок этади.

Академия ректори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Таълим жараёни ва илмий фаолиятини ташкил этиш

16. Академия таълим жараёнини судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, судьяларни раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш, шунингдек бир йиллик магистратура дастури бўйича ўкув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади.

17. Судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш тингловчиларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш кўникмаларига ўргатишга, судьялик кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган. Касбий қайта тайёрлаш курси суд ихтисосликлари ва давлат грантлари асосида олти ойлик таълим дастури бўйича белгиланган намунадаги сертификат берган ҳолда амалга оширилади.

18. Туман (шаҳар) ва вилоят судларининг тегишли раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш касбий билимларни чукурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек ишни ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва усусларини ўзлаштиришга қаратилган. Қайта тайёрлаш курсларининг давомийлиги икки ойгача бўлиб, тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

19. Судьялар ва судлар аппарати ходимларининг мажбурий малакасини ошириш қонунчиликдаги сўнги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказишига, касбий, жумладан ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва

қўллаш масалаларига доир кўнирма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган. Малака ошириш курсларида:

беш йил муддатга тайинланган судьялар - ҳар икки йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган;

йун йил муддатга тайинланган судьялар - ҳар уч йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган;

Олий суд судьялари, суд раислари ва раис ўринbosарлари, шунингдек муддатсиз даврга тайинланган судьялар - ҳар уч йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган;

фаолият самарадорлиги рейтингининг паст кўрсаткичларига эга судьялар - навбатдан ташқари икки ҳафтадан кам бўлмаган;

суд аппарати ходимлари (судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудирлари) - ҳар икки йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатда ўқитилади ҳамда тингловчиларга белгиланган намунаидаги сертификат берилади.

20. “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича бир йиллик магистратура дастури таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида ташкил этилиб, битирувчиларга олий юридик таълимнинг тегишли босқичини якунлаганлигини тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Магистратурага қабул қилишда номзодларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Магистратурага қабул параметрлари ва тўлов-контракт қиймати ҳар йили Академия Кенгаши таклифи асосида Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланади.

21. Академияга ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тегишли низом ва тартиблар асосида амалга оширилади.

22. Судьялар, адвокатлар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ва бошқа мутахассислар педагогик фаолиятга ўриндошлик тартибида ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ёхуд ўрнини тўлдириш асосида хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ жалб этилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари, мутахассислари ва эксперtlари Академияга ўкув, методик ва илмий ишлар олиб бориш учун шартнома (контракт) асосида хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, давлат бюджети, шунингдек Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб этилиши мумкин.

23. Илмий-тадқиқот ишлари, қоида тариқасида, шу жумладан хорижий ва халқаро грантлар ёки хўжалик шартномалари асосида ўтказилади. Шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришдан олинган

маблағлар тегишли харажатлар қолланғандан сүнг Академия моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни рағбатлантириш ёки үзига юкланған бошқа вазифаларни ҳал этишга йұналтирилади.

24. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ишдан ажралған ҳолда ташкил этилади.

25. Таълим жараёни үқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, илғор педагогик, инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, шунингдек сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланған ҳолда амалга оширилади.

26. Касбий қайта тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6-боб. Академиянинг тингловчи ва талабалари

27. Касбий қайта тайёрлаш курсига қонунчиликда судьяларга қўйилган талабларга жавоб берадиган шахслар белгиланған тартибда қабул қилинади.

Үқишига қабул қилиш тингловчи танловдан муваффақиятли ўтгандан сүнг Академия ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

28. Касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади.

Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар уларнинг эгаллаган лавозими бутун үқиш даври мобайнида сақланған ҳолда асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади.

29. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи үқиш даврида сақланади.

30. Академия тингловчилари ва талабалари ўкув режасида (дастурида) назарда тутилган топшириқларни белгиланған муддатларда бажаришга, Академиянинг Устави, ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ қоидаларига риоя қилишига мажбурдирлар.

31. Касбий қайта тайёрлаш курсларида үқиш дастурини ўзлаштирган ва якуний аттестация имтихонидан муваффақиятли ўтмаган тингловчилар, бўш судьялик лавозимига уч йилгача муддатда ариза топширмаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган битирувчилар үқиш даврида олинган стипендия суммасини Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб берадилар.

7-боб. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа ходимлар

32. Академияда бошқарув, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимлари назарда тутилади.

Ходимларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек уларнинг ўзаро муносабатлари меҳнат қонунчилиги, жамоавий шартнома, меҳнат шартномалари ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

33. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент ва ўқитувчи лавозимлари киради.

34. Бошқарув, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари Академиянинг ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ қоидаларида, шунингдек лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

35. Академия ходимларининг мансаб маошлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

36. Академиянинг олдинги иш жойи бўйича ҳарбий, маҳсус ва даражали унвонлар ҳамда малака (mansab) даражасига эга ходимларига Олий суд учун назарда тутилган мансаб даражалари тегишилигича берилади, кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча тўловлар тўланади, уларнинг Академияда ишлаган даври ҳарбий, маҳсус ва даражали унвонлар ҳамда малака (mansab) даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

37. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисига Академия ходимларига маҳсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш ҳукуки тақдим этилади.

38. Академияга ишга жалб этилган ва малака даражасига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья учун белгиланган устама ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар, тиббий ва пенсия таъминоти шароитлари сақлаб қолинади.

Ушбу шахсларнинг Академияда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

39. Академия меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида машғулотлар ўтказишга жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотларини ўтказиш учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорини Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан 100 фоизга ортиқ миқдорда белгилаш ҳукуқига эга.

8-боб. Академиянинг халқаро ҳамкорлиги

40. Академия суд-хуқуқ соҳасида хорижий таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

41. Халқаро ҳамкорлик, жумладан Академия тингловчилари, ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг хорижий мамлакатлар таълим ва тадқиқот муассасаларида стажировка ўташи, шунингдек хорижий мамлакатлар фуқароларининг Академияда ўқиши белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Академиянинг хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари билан шартномалари асосида, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ажратиладиган грантларга мувофиқ амалга оширилади.

42. Академия Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг етакчи хорижий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш курсларида иштирок этиши ва стажировка ўташини ташкил этади.

9-боб. Академиянинг молия-хўжалик фаолияти

43. Асосий фонdlар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), молиявий маблағлар ҳамда бюджет, бюджетдан ташқари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан сотиб олинадиган турли моддий қимматликлар Академиянинг мол-мулкини ташкил этади. Академия мол-мулкининг қиймати унинг балансида акс эттирилади.

44. Академия ўзига бириктирилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқини белгиланган тартибда амалга оширади.

45. Академия фаолияти қўйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
Академияда тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-тахлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари асосида ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант ва мақсадли маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

46. Академия:

Академияда ўқитишига жалб этиладиган чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашни шартномаларга мувофиқ белгиланадиган миқдорларда хорижий валютада амалга ошириш;

Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағларини ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун икки томонга авиачипталар сотиб олиш (узоқ муддатли шартномалар бўлганда, бир йилда кўпи билан икки марта) харажатларини миллий валютада тўлаб бериш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларнинг яшаш харажатларини миллий валютада тўлаб бериш;

зарур асбоб-ускуналар ва бошқа моддий ресурсларни харид қилиш, ижарага олиш;

ўзига тегишли мол-мулкка, жумладан интеллектуал ва бошқа турдаги мулкка, даромадларга белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига зга.

47. Академияда Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи) билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорида бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси ташкил этилади.

48. Академия маблағларини шакллантириш ва сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

49. Академия белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисботини юритади.

10-боб. Якуний қоидалар

50. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

51. Мазкур Устав талабларини бузганликда айбор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.